ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРУЛЛАЕВ НУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МОНИТОРИНГИ ТИЗИМИ ИШЛАШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УДК: 004.056.5(07)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРУЛЛАЕВ НУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МОНИТОРИНГИ ТИЗИМИ ИШЛАШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/T974 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ганиев Салим Каримович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бекмуратов Тўлқин Файзиевич** техника фанлари доктори, профессор, академик
	Туйчиев Ғулом Нумонович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**«UNICON.UZ» – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Р.Ж. Алоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникация тизимлари ривожининг ҳозирги замон босқичида ахборот хавфсизлиги ҳолатини баҳолашнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларини ишлаб чиқишга ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Касперский лабораторияси маълумотига асосан 2018 йилнинг иккинчи чорагида жаҳоннинг 187 давлатларида жойлашган Интернет ресурслари орқали 962,947,023 та ҳужум амалга оширилган»[1]. Бу йўналишда ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда ахборот коммуникация тизимларининг ҳимояланганлигини баҳоловчи ахборот хавфсизлиги мониторинги воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ахборот хавфсизлиги ҳолатини тезкор ва самарали баҳолаш имкониятини берувчи ахборот хавфсизлиги мониторинги усуллари ва воситаларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ахборот-коммуникация тизимларини ҳимояланганлик ҳолатини реал баҳолаш, ахборотни ҳимоялаш воситаларида содир бўладиган кўп сонли ҳодисаларни нормаллаштириш, корреляцилаш ва агрегатлаш орқали ахборот хавфсизлиги инцидентларини аниқлаш, ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишидаги хатоликларни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи жараёнларни такомиллаштиришни илмий асослаш зарур бўлмоқда.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида электрон ҳукумат тизимини шакллантиришда ва электрон ҳужжат алмашинув тизимларини татбиқ этишда маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ахборотнинг дастурий-аппарат ҳимоя воситалари, хусусан тизимнинг ҳимояланганлигини реал баҳоловчи ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири

[1] https://securelist.ru/it-threat-evolution-q2-2018-statistics/90919/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлиги ҳолатини мониторинглаш усуллари ва воситаларини, ҳодисаларни таҳлиллашнинг назарий-амалий концепциясини ва ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш моделлари, усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш буйича Ch.Fry, M.Nystrom, J.Smith, Ch.Sanders, I.Glover, C.Dukes, И.А.Шелудько, Т.А.Биячуев, И.В.Котенко, И.Б.Паращук, А.В.Федорченко, Д.С.Левшун, А.А.Чечулин ва бошқа чет эллик олимлар томонидан инженерлик-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда С.К.Ганиев, М.М.Каримов, Р.Н.Усмонов, А.А.Ганиев ва бошқалар томонидан ахборотнинг дастурий-аппарат ҳимоялаш усуллари хусусан, ахборот коммуникация тизимларида тармоқлараро экран ва мониторинглашнинг комплекс усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, инцидентларга ва киберхужумларга қарши харакатларни бошқариш, ахборот хавфсизлиги мезонлари ва кўрсаткичларини шакллантириш усуллари тадқиқ қилинган.

Шунинг билан бирга ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қуриш, унинг ишга лаёқатлигини таъминлаш, ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш ва уларнинг ишончлилик кўрсаткичларини баҳолаш усуллари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф4-020 «Инфокоммуникацион

тармоқлар хавфсизлик мониторинги тизимининг ишлаши ва яратилиши муаммоларини тадқиқ этиш» (2012-2016) ва №А5-063 «Ахборот коммуникация тизимларида тармоқлараро экранлаш ва мониторинглашнинг комплекс усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш имкониятини берувчи, ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлашга асосланган усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш схемасини яратиш;

маълумотларни ишлаш схемаси асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал моделини ишлаб чиқиш;

«анализ орқали синтез» ёндашуви асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қуриш усулини ишлаб чиқиш;

дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлашнинг модификацияланган усулини ишлаб чиқиш;

ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини таъминлаш қисм-тизими структурасида уларнинг ишлаш ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот коммуникация тизимларида қўлланиладиган ҳимоялаш воситаларининг ишлаши жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборотни ҳимоялаш усуллари, эҳтимоллик назарияси, қиёсий таҳлиллаш усуллари, моделлаш ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

содир бўлиши мумкин бўлган инцидентлар хусусидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлиллаш асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш схемаси яратилган;

маълумотларни ишлаш схемаси асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели ишлаб чиқилган;

«анализ орқали синтез» ёндашуви ёрдамида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қуриш усули ишлаб чиқилган;

ахборотни ҳимоялаш воситаларини хилларга ажратиб, уларга тегишли ҳолатларни танлаш орқали уларнинг эҳтимолликларини аниқлашнинг модификацияланган усуллари ишлаб чиқилган;

модификацияланган усуллар асосида яратилган ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини таъминлаш қисм-тизими структурасида, уларнинг ишлаш ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш алгоритми ишлаб

чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмлари асосида кичик ва катта кўламли тармоқлар учун ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими дастурий воситасининг архитектураси қурилган;

ҳодисалар хусусидаги ёзувларни йиғишга асосланган ахборотни ҳимоялаш воситалари компонентларининг ишончлик кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи дастурий восита ишлаб чиқилган;

дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолати эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмлари асосида ISMS дастурий воситаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмларидан олинган маълумотлар ва тажрибавий-ҳисоблаш натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яратилган ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмларининг мониторинг жараёнида ҳисоблашларни соддалаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усуллар ва дастурнинг ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақтини қисқартириш ва нисбатан кўп инцидентларни аниқлаш ҳамда хавфсизлик маъмури йўқ ташкилотларда ҳам фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш усуллари ва алгоритмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

модификацияланган усуллар асосида яратилган ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини таъминлаш қисмтизими структурасида уларнинг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш алгоритми Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тасарруфидаги «Давлат геология ахборот маркази» Давлат корхонасининг амалий фаолиятида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 33-8/161-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида Kaspersky антивирус дастурий таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақтини 1,75 мартага қисқартириш ва 355 та кўп инцидентни аниқлаш имконини берган;

содир бўлиши мумкин бўлган инцидентлар хусусидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлиллашга асосланган ахборот хавфсизлиги мониторинги

тизимларида маълумотларни ишлаш схемаси «UNICON.UZ» ДУК – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг фаолиятига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 33-8/161-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида синовдан ўтиш жараёнида антивирус дастурий таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақтини қисқартириш ва нисбатан кўп инцидентларни аниқлаш имконини берган;

дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаш ҳолати эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмлари «STAND KOMPUTERS» МЧЖнинг фаолиятига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 33-8/161-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизим структурасидаги ахборотни ҳимоялаш воситалари ишончлигини таъминлаш модули ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақтини 1,12 марта қисқартириш ва 40 тадан кўп инцидентни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ахборот-коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлиги мониторингининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган биринчи боби ахборот-коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлиги мониторинги муаммолари, ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг

архитектураси ва унда маълумотларни ишлаш жараёнининг тадқиқига бағишланган.

Мунтазам мониторинг ўтказиш ахборотни ҳимоя қилишнинг зарур даражасини сақлаб туришнинг кафолати ҳисобланади, мониторинг тизими фаолияти доирасидаги натижалар эса ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга асос ҳисобланади. 1-жадвалда мониторинг дастурий воситаларининг, уларнинг функцияларини ўрганиб чиқиш натижасидаги, қиёсий таҳлили келтирилган.

1-жадвал

Ахборот хавфсизлиги мониторинги дастурий воситаларининг қиёсий таҳлили

Мезонлар / Ахборот хавфсизлиги мониторинги дастурий воситалари	Таҳдидларни аниқлаш	Ресурс талаби	Унумдорлик	Фойдаланувчанлик	Жорий қилиниши	Бошқарилиши	Мададланиши	Масштабланиши	Воситалар ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларининг аниқланиши	Σ
InTrust	3	3	3	3	2	3	3	3	1	24
EventTracker	4	3	4	3	3	3	4	4	2	30
Sentinel Log Manager	4	3	4	4	3	4	4	4	2	32
NXLog	3	4	3	3	3	4	3	3	1	27
LOGStorm	3	3	3	3	3	3	4	3	1	26

Жадвалда келтирилган ахборот хавфсизлиги мониторинги дастурий воситаларининг қиёсий таҳлили воситалар ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларининг аниқланиши мезони бўйича 40% қониқарли ва 60% қониқарсиз натижаларни қайд этган. Демак, ҳозирги кунда ташкилотларда фойдаланилаётган ахборот хавфсизлиги мониторинги дастурий воситалари ёрдамида ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш кутилган натижаларни бермайди.

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини таҳлиллаш учун унинг беш сатҳли архитектураси ва ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш жараёни энг муҳим ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими архитектураси доирасида амалларнинг ҳар бирининг бажарилиши учун алоҳида модуллар жавоб беради (1-расм).

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими архитектураси асосида таклиф этилган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш схемаси махсус модуллар ёрдамида ахборотни ҳимоялаш воситаларида генерацияланадиган ахборот хавфсизлиги хабарларини йиғиш, нормаллаштириш, маълумотлар базасида сақлаш, таҳлиллаш ва инцидентларга нисбатан жавоб реакциясини ишлаб чиқиш имконини беради.



1-расм. Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими архитектураси

Диссертациянинг **«Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг модели ва структураси»** деб номланган иккинчи бобида ахборот хавфсизлиги мониторинги натижаларини қулай ва аниқ ифодалаш имконини берувчи ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели ишлаб чиқилган. Ахборотни ҳимоялаш воситаларини эҳтимолий ишчи ҳолатларини аниқлаш имконини берувчи ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қўллаш структураси таклиф этилган. Лойиҳалаш босқичида дастлабки ва ишчи ечимларни шакллантириш инструменти сифатида ишлатилиши мумкин бўлган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қуриш усули таклиф этилган.

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели вазифалар, функциялар, жараёнлар ва агентлардан ташкил топган. 2-расмда кўрсатилганидек, архитектура одатда йиғиш, таҳлиллаш ва қарор қабул қилиш модулларини ўз ичига олади. Ҳар бир модул маълум функцияларни бажарадиган қисмлардан иборат.

Ишлаб чиқилган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели ҳимояланаётган тизим ва ахборотни ҳимоялаш воситаларидаги ахборот хавфсизлигининг аномал ҳодисаларини аниқлашга ва бу ҳодисалар ҳақида ахборот хавфсизлиги маъмурига ўз вақтида, зарур қарорларни қабул қилиш учун, керакли маълумотлар билан таъминлаш имконини беради.

Қатор омилларнинг мукаммал формаллаштириш мумкин эмаслиги натижасида, муайян вазиятга мўлжалланмаган ечимни қабул қилиш хавфи сабабли, аниқ математик усуллар ёрдамида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қуриш масаласини ечиш етарлича мураккаб ҳисобланади.



2-расм. Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели

Бундай вазиятда «итератив синтез» ёки «анализ орқали синтез» деб аталувчи ёндашишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Синтез масалаларини анализ орқали анъанавий ечиш усули итератив жараённи қуришни кўзда тутади. Мезон катталигини ҳисоблашнинг ҳар бир итерациясида тизимни қуришнинг навбатдаги варианти модификацияланади, сўнгра вариант баҳоланади. 3-расмда мониторинг тизимини қуриш усулининг блок схемаси келтирилган.

3-расм. Мониторинг тизимини қуриш усулининг блок схемаси

Диссертация ишининг «**Ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш усуллари**» номли учинчи бобида дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг иш графиги даврида рўй берадиган бузилишлар, содир бўлувчи хатоликлар ва ҳолатларининг ўзгаришини аниқлаш имконини

берувчи модификацияланган усуллар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган алгоритм асосидаги мутлақо янги ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишончлилигини баҳолаш модули ишлаб чиқилган.

Ахборотни ҳимоялашнинг турли воситаларининг ишлаши ҳолати эҳтимолликларини аниқлаш учун математик усулларни танлаш биринчи навбатда уларнинг тоифасига, яъни унинг ишлаш вақтининг дискретлигига ёки узлуксизлигига боғлиқ.

Дискрет иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари компонентлари ишининг бузилиши ёки уларнинг ишга лаёқатлигининг тикланиши сабабли бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тўплами қуйидаги кўринишга эга:

$$H_{DT} = \left\{ \begin{array}{c} h_0^{DT}, h_1^{DT}, h_2^{DT}, h_3^{DT}, h_4^{DT}, h_5^{DT}, h_6^{DT}, h_7^{DT}, h_8^{DT}, h_{21}^{DT}, h_{24}^{DT}, h_{25}^{DT}, h_{26}^{DT}, h_{27}^{DT}, \\ h_{28}^{DT}, h_{31}^{DT}, h_{35}^{DT}, h_{36}^{DT}, h_{37}^{DT}, h_{38}^{DT}, h_{47}^{DT}, h_{48}^{DT}, h_{51}^{DT}, h_{53}^{DT}, h_{54}^{DT}, h_{56}^{DT}, h_{57}^{DT}, \\ h_{58}^{DT}, h_{63}^{DT}, h_{64}^{DT}, h_{65}^{DT}, h_{67}^{DT}, h_{68}^{DT}, h_{71}^{DT}, h_{75}^{DT}, h_{76}^{DT}, h_{85}^{DT}, h_{86}^{DT} \end{array} \right\}$$

H_{DT} тўпламидан фойдаланиб дискрет иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ҳаракатини, дискрет вақтда ишловчи объект сифатида, йўналтирилган граф кўринишида тасвирлаш мумкин. Дискрет иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларига заифликларни аниқлаш тизимининг ва контент фильтрлаш тизимининг тааллуқлиги ҳисобга олинса, қуйидаги белгилашни қабул қилиш мумкин:

$$H_i^{DT_k},$$

бу ерда i – (i=0,…8) дискрет иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ҳолатлари индекси;

k – дискрет иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг хили.

Демак қуйидагиларни келтириш мумкин:

$k = 1$ – заифликларни аниқлаш ва $k = 2$ – контент фильтрлаш тизими.

Заифликларни аниқлаш тизими ҳолатлари:

$$H^{DT_1} = \left\{h_0^{DT_1}, h_1^{DT_1}, h_2^{DT_1}, h_3^{DT_1}, h_4^{DT_1}\right\}$$

Контент фильтрлаш тизими ҳолатлари:

$$H^{DT_2} = h_0^{DT_2}, h_5^{DT_2}, h_6^{DT_2}, h_7^{DT_2}, h_8^{DT_2}$$

4-расмда келтирилган граф учлари заифликларни аниқлаш тизимининг бўлиши мумкин бўлган ҳолатлари $P_{\mathrm{q,q}}$ни характерласа, граф ёйлари орқали тизим ишлашининг дискретлигини белгиловчи қандайдир Δt вақт оралиғидаги унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлари эҳтимолликлари $P_{\mathrm{q,r}}$ ($\mathrm{q} \neq \mathrm{r}$)ни характерлайди.

Демак, заифликларни аниқлаш тизими ишлашининг ҳолатларига ўтиш эҳтимолликларини қуйидаги тенгламалар системасини кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\begin{cases} \overline{p}_0 = P_{00}\overline{p}_0 + P_{10}\overline{p}_1 + P_{20}\overline{p}_2 + P_{30}\overline{p}_3 + P_{40}\overline{p}_4, \\ \overline{p}_1 = P_{01}\overline{p}_0 + P_{11}\overline{p}_1, \\ \overline{p}_2 = P_{02}\overline{p}_0 + P_{2,21}\overline{p}_{21} + P_{22}\overline{p}_2 + P_{2,24}\overline{p}_{24}, \\ \overline{p}_3 = P_{03}\overline{p}_0 + P_{3,31}\overline{p}_{31} + P_{33}\overline{p}_3, \\ \overline{p}_4 = P_{04}\overline{p}_0 + P_{44}\overline{p}_4. \end{cases}$$

Бунда

$$\overline{p}_0 + \overline{p}_1 + \overline{p}_2 + \overline{p}_3 + \overline{p}_4 = 1,$$

бу ерда $\overline{p}_q,\ q = 0,1,2,3,4$- қидирилаётган чегаравий эҳтимолликлар.



4-расм. Заифликларни аниқлаш тизими ишлаш ҳолатларига ўтиш эҳтимолликлари графи

Ишлаб чиқилган усул ўлчами катта бўлмаган ҳолатлар тўпламидан фойдаланиб, ўтишлар граф-схемасини тавсифлашга, кичик разрядли квадрат матрицани тузишга ва улар асосида дискрет иш вақтли ҳимоялаш тизимлари хилига кирувчи контент фильтрлаш тизими учун ҳам тенгламалар системасини осон тавсифлашга имкон беради.

Узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг бўлиши мумкин бўлган ҳолатлари тўплами қуйидаги кўринишга эга:

$$H_{UT} = \begin{Bmatrix} h_0^{UT}, h_1^{UT}, h_2^{UT}, h_3^{UT}, h_4^{UT}, h_5^{UT}, h_6^{UT}, h_7^{UT}, h_8^{UT}, h_{13}^{UT}, h_{15}^{UT}, h_{18}^{UT}, h_{21}^{UT}, \\ h_{23}^{UT}, h_{24}^{UT}, h_{25}^{UT}, h_{26}^{UT}, h_{28}^{UT}, h_{34}^{UT}, h_{35}^{UT}, h_{36}^{UT}, h_{38}^{UT}, h_{41}^{UT}, h_{43}^{UT}, h_{45}^{UT}, h_{46}^{UT}, \\ h_{48}^{UT}, h_{51}^{UT}, h_{52}^{UT}, h_{53}^{UT}, h_{54}^{UT}, h_{56}^{UT}, h_{57}^{UT}, h_{58}^{UT}, h_{61}^{UT}, h_{62}^{UT}, h_{68}^{UT}, h_{71}^{UT}, h_{73}^{UT}, \\ h_{74}^{UT}, h_{76}^{UT}, h_{78}^{UT}, h_{81}^{UT}, h_{82}^{UT}, h_{86}^{UT}, \end{Bmatrix}$$

Узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаши ҳолатларини аниқлаш учун ўзгарувчан интенсивликлар усулидан фойдаланилди. Қуйида антивирус дастурий таъминоти ишлаши ҳолатларини аниқлашнинг модификацияланган усули таклиф этилди. Унга кўра қуйидаги

қиймат киритилди:

$$H_i^{UT_k},$$

бу ерда: i – узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаши ҳолатларининг индекси, k =1,2,3,4 узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг хиллари.

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими антивирус дастурий таъминотини таҳлиллаганида ҳолатлар қуйидагича ифодаланади:

$$H_{UT_1} = \{h_0^{UT_1}, h_1^{UT_1}, h_2^{UT_1}, h_3^{UT_1}, h_4^{UT_1}, h_{13}^{UT_1}, h_{21}^{UT_1}, h_{23}^{UT_1}, h_{24}^{UT_1}, h_{34}^{UT_1}, h_{41}^{UT_1}, h_{43}^{UT_1}\}$$

Ушбу тўпламдан фойдаланиб антивирус дастурий таъминоти ишлаши ҳолатлари орасидаги ўтишларни йўналтирилган граф кўринишида тасвирлаш мумкин (5-расм).



5-расм. Антивирус дастурий таъминоти ишлаши ҳолатларини аниқлаш графи

Турли ёйлар кириши ва чиқиши мумкин бўлган мос учлар (кейинчалик тенгламада q- каби белгиланган) билан тасвирланувчи антивирус дастурий таъминоти h_q ҳолатини аниқлашнинг p_q эҳтимоллигининг ўзгариши $\frac{dp_q(t)}{dt}$ антивирус дастурий таъминотининг бу ҳолатга ўтиш ва ундан чиқиш интенсивлиги билан аниқланади:

$$\frac{dp_q(t)}{dt} = \sum_{k=1}^{K} p_k(t)\Lambda_{k,q} - p_q(t)\sum_{l=1}^{L}\Lambda_{q,l}$$

$$q = 0,1,2,3,4,13,21,23,24,34,41,43.$$

Бу ерда:

$p_k(t)$ - $\Lambda_{k,q}$ интенсивлик билан h_q ҳолатга (q-уч) ўтувчи h_k (k-уч) ҳолатдаги антивирус дастурий таъминотининг топиш эҳтимоллиги;

$\Lambda_{q,l}$ - h_q ҳолатдан h_l ҳолатга (l-уч) ўтиш интенсивлиги;

К - h_q учи билан боғлиқ кирувчи ёйларнинг учлари сони;

$L - h_q$ учи билан боғлиқ чиқувчи ёйларнинг учлари сони.

Ишлаб чиқилган узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатларини аниқлашнинг модификацияланган усули антивирус дастурий таъминоти учун граф схемадаги ўтишлар сонини ва, демак ишлаш ҳолатларини аниқлаш вақтини 4 марта қисқартиришга имкон беради.

Таклиф этилган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизим структураси таркибида ахборотни ҳимоялаш воситалари ишончлигини баҳолаш модули тамомила янги ҳисобланади (6-расм).

6-расм. Ахборотни ҳимоялаш воситалари ишончлигини баҳолаш модулининг структура схемаси

Ушбу модул ёрдамида олдин содир бўлган бузилишлар хусусидаги мунтазам янгиланувчи (жорий эксплуатация маълумотлари бўйича) ахборотдан фойдаланиб ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаш холатлари эҳтимолликлари ҳисобланди. Модулда ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқловчи алгоритм асосий ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини дастурий воситасининг архитектураси ва тажриба-ҳисоблаш натижалари**» номли тўртинчи бобида ахборот хавфсизлиги мониторинги бўйича тажриба-ҳисоблаш натижалари келтирилган. Антивирус дастурий таъминоти компонентларининг ишончлилик кўрсаткичлари аниқланиб, улар асосида компонентларнинг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликлари ҳисобланган ва ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг самарадорлиги баҳоланган.

2-жадвалда антивирус дастурий таъминотининг ишлаши ҳолатларига

мувофиқ содир бўлиши мумкин бўлган тўрт хил хатоликлар мавжудлигини таҳлиллаш натижасида аниқланган хатоликларнинг характеристикалари келтирилган.

Ушбу характеристикалар бўйича узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлашнинг модификацияланган усули асосида антивирус дастурий таъминоти учун олинган биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системасини Mathcad дастурий таъминоти ёрдамида ечими олинган.

2-жадвал

Аниқланган хатоликларнинг характеристикалари

№	Вақтий бўлаклар	Хатолик хусусидаги ёзувлар сони	Олдинги хатолик онидан бошлаб бузилмасдан ишлаш вақти T_i^j, с	Тикланиш вақти ξ_i^j, с
1	07.08.2018 (03:11:01)-07.08.2018(03:28:05)	2	4513,18	0,28
2	11.09.2018 (04:15:08)-13.09.2018(05:16:12)	11	1008,78	48,01
3	09.11.2018 (02:18:15)-10.11.2018(03:24:16)	8	603	25,01

Mathcad дастурий таъминоти орқали олинган тажриба-ҳисоблаш натижалари асосида антивирус дастурий таъминотининг 240 соат ва 3000 соат вақт оралиқларда ишлаш ҳолатлари $p_0, p_1, p_2, p_3, p_4, p_{13}, p_{21}, p_{23}, p_{24}, p_{34}, p_{41}, p_{43}$ эҳтимолликларнинг қийматлари қуйидаги шартни қаноатлантириши исботланди:

$$\sum p_q(t) = 1, \forall t \in [0, \infty), \qquad \text{q} = 0,1,2,3,4,13,21,23,24,34,41,43$$

«Давлат геология ахборот маркази» корхонасида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимига ишга лаёқатликни таъминлаш қисм-тизимини жорий қилинмасдан олдинги ва жорий қилинганидан кейинги самарадорликлари баҳоланган. Самарадорликни баҳолашда 3-жадвалда келтирилган ахборот коммуникация тизимидаги ахборотни ҳимоялаш воситаларининг суткалик иш кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Демак, 11 ойда (334 суткада) аниқланган ахборот хавфсилиги инцидентлари сони $N_1 = 334 * 58 = 19372$ тани ташкил этди. Иш журналларида қайдланган тўрт хил хатоликлар пайдо бўлганидан сўнг антивирус дастурий таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклашга сарф қилинган умумий вақт қуйидагига тенг:

$T_{\text{тик}} = (0,78 + 72,1 + 38,18) + (72,78 + 60,55 + 50,3) + 12 + 20 = 326,69$

ёки $326,69/24 = 13,61$ сутка

Шундай қилиб, антивирус дастурий таъминоти 334 суткадан аслида 320,39 суткада ишлаган. Антивирус дастурий таъминоти компонентлари ишида бузилишлар бўлмаганида аниқланган ахборот хавфсизлиги инцидентларининг суткалик сонини 11 ой ичида аниқланган ахборот

хавфсизлиги инцидентларининг умумий сонини ушбу вақтга бўлиш орқали олиш мумкин, яъни:

$$N_{\text{сутка}} = 19372 \text{ инцидент}/320{,}39 \text{ сутка} = 60{,}46 \text{ инцидент}$$

3-жадвал

Ахборотни ҳимоялаш воситаларининг суткалик иш кўрсаткичлари

Ахборотни ҳимоялаш воситалари	Бир кун давомидаги ахборот хавфсизлиги ҳодисалари сони	Бир кун давомидаги ахборот хавфсизлиги инцидентлари сони	Нисбат
Антивирус дастурий таъминоти	58	58	1
Заифликларни аниқлаш тизимлари	70	4	17,5
Тармоқлараро экранлар	90154	832	108,35
Суқилиб киришларни аниқлаш тизимлари	102482	1124	91,1

Демак, агар антивирус дастурий таъминоти хатосиз ишлаганида қуйидаги сонли ахборот хавфсизлиги инциденти аниқланган бўлар эди:

$$N = 334 * 60{,}46 = 20193{,}64 \approx 20194 \text{ инцидент}$$

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизимдан фойдаланиш натижасида антивирус дастурий таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклашнинг умумий вақти қуйидагига тенг:

$$T_{\text{тик1}} = (0{,}28 + 48{,}01 + 25{,}01) + (46{,}54 + 21{,}43 + 24{,}1) + 9{,}46 + 11 = 185{,}83 \text{ ёки } 7{,}743 \text{ сутка.}$$

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизимни жорий этиш натижасида антивирус дастурий таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақти қуйидагича қисқарди:

$$S = T_{\text{тик}}/T_{\text{тик1}} = 13{,}61/7{,}743 = 1{,}75$$

Ушбу вақт мобайнида антивирус дастурий таъминоти ишлашидаги бузилишлар туфайли ўтказиб юборилган ёки айтарли даражада кечикиш билан аниқланган ахборот хавфсизлиги инцидентларининг сони қуйидагига тенг:

$$N' = 7{,}743 * 60{,}46 = 468{,}14 \approx 468 \text{ инцидент}$$

Кузатиш вақти мобайнида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизимини жорий этиш натижасида аниқланган инцидентлар сони қуйидагига тенг:

$$N_2 = N - N' = 20194 - 468 = 19726 \text{ инцидент}$$

8-расмда ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизимни жорий қилишдан олдин ва сўнг, аниқланган ва аниқланмаган инцидентлар сони диаграмммаси келтирилган.

Демак, ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимига ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизимнинг жорий қилиниши 334 суткада 19726 та инцидентни, яъни қисм-тизим жорий қилинмасдан олдинги аниқланган инцидентлар сонидан 355 та (1,82 % га) кўп инцидентни аниқлашга ва антивирус дастурий

таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақтини 1,75 мартага қисқартиришга имкон берди.



8-расм. Ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишга лаёқатлигини таъминловчи қисм-тизимни жорий қилишдан олдин ва сўнг олинган натижалар диаграмммаси

ХУЛОСА

«Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш усуллари ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Содир бўлиши мумкин бўлган инцидентлар хусусидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлиллаш асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш схемаси яратилди. Ишлаб чиқилган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида маълумотларни ишлаш схемаси хабарларни генерациялаш, йиғиш, сақлаш, таҳлиллаш ҳамда ахборотнинг ҳимояланганлик даражасини баҳолаш имконини берди.

2. Маълумотларни ишлаш схемаси асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели ахборотни ҳимоялаш воситаларидаги аномал ҳодисаларни аниқлашга ва бу ҳодисалар хусусида ахборот хавфсизлиги маъмурини ўз вақтида, зарур қарорларни қабул қилиши учун, керакли маълумотлар билан таъминлашга имкон берди.

3. «Анализ орқали синтез» ёндашуви асосида ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимини қуриш усули ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул эксплуатация босқичида тизим ишлашидаги заиф жойларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича талабларни ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди.

4. Ахборотни ҳимоялаш воситаларини хилларга ажратиб, уларга тегишли ҳолатларни танлаш асосида уларнинг эҳтимолликларини аниқлашнинг модификацияланган усуллари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усуллар узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситасининг (антивирус дастурий таъминоти мисолида) ишлаш ҳолатлари ўрганилганида, улардаги

ўтишлар сони ва шунга мос равишда ҳисоблаш вақтининг 4 мартагача қисқаришига имкон берди.

5. Дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситалари ишлаши ҳолатларининг эҳтимолликларини аниқлаш алгоритми асосида ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишончлигини баҳолаш модули ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган модул хавфсизлик маъмурига ахборотни ҳимоялаш воситаларининг жорий ишончлиги хусусидаги ахборотни оператив тарзда олиш ва унинг келажагини башоратлаш имконини берди.

6. Дискрет ва узлуксиз иш вақтли ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаши ҳолатлари эҳтимолликларини аниқлаш усуллари ва алгоритмлари асосида турли хил ташкилотларнинг ахборот коммуникация тизимларида қўллаш имконини берувчи ISMS дастурий воситаси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурий восита «Давлат геология ахборот маркази» давлат корхонаси ахборот коммуникация тизимида шу турдаги мавжуд воситаларга нисбатан 355 та (1,82 % га) кўп инцидентларни аниқлаш ва антивирус дастурий таъминотининг ишга лаёқатлигини тиклаш вақтини 1,75 мартага қисқартириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

НАСРУЛЛАЕВ НУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ

МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ МОНИТОРИНГА ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1.PhD/T974.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Ганиев Салим Каримович** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Бекмуратов Тулкин Файзиевич** доктор технических наук, профессор, академик
	Туйчиев Гулом Нумонович доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	**«UNICON.UZ» – центр научно-технических и маркетинговых исследований**

Защита диссертации состоится «____» _____2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентский университет информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №____). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(протокол рассылки №_____ от «_____» _____ 2019 года.)

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Р.Ж. Алоев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на современном этапе развития информационных и коммуникационных систем особое внимание уделяется к разработке и усовершенствованию системы мониторинга информационной безопасности являющихся одним из основных механизмов оценки состояния обеспеченности информационной безопасности. «По данным «Лаборатории Касперского» во втором квартале 2018 года осуществлено 962,947,023 атак через ресурсы Интернет, которые расположены в 187 странах мира.[1]. В развитых странах, таких как США, Германия, Великобритания, Франция, Южная Корея, Российская Федерация и других, важную роль играет разработка средств мониторинга информационной безопасности, позволяющих оценить защищенность информационных и коммуникационных систем.

В настоящее время большое количество научных исследований посвящены разработке методов и средств мониторинга информационной безопасности, позволяющих быстро и эффективно оценивать состояние информационной безопасности. В этом направлении важнейшими задачами являются разработка методов, позволяющих реально оценивать состояние защищенности информационно-коммуникационных систем, обнаруживать инциденты информационной безопасности путем нормализации, корреляции и агрегирования большого числа событий, происходящих в средствах защиты информации. Наряду с этим, остается необходимым научное обоснование усовершенствования процессов, позволяющих повышения эффективности функционирования системы мониторинга информационной безопасности.

В нашей республике предпринимаются масштабные меры по обеспечению безопасности данных при внедрении в органы государственного и экономического управления систем электронного документооборота и формировании системы электронного правительства. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» отмечены задачи, в том числе и задача «…внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления, ... совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере»[2]. Для выполнения поставленных задач одной из наиболее важной проблемой является разработка программно-аппаратных средств защиты информации, в частности методов и алгоритмов повышения эффективности функционирования системы мониторинга информационной безопасности, позволяющих реально оценивать состояние защищенности системы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени вносит вклад в выполнение задач, предусмотренных Указами Президента

[1] https://securelist.ru/it-threat-evolution-q2-2018-statistics/90919/

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», № УП-5379 от 14 марта 2018 года «О Мерах по совершенствованию системы государственной безопасности Республики Узбекистан», и Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4024 от 21 ноября 2018 года «О мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их защиты», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Разработке моделей, методов и средств мониторинга состояния информационной безопасности, анализа событий в информационно-коммуникационных системах, моделей, методов и алгоритмов обработки данных в системах мониторинга информационной безопасности посвящены инженерно-исследовательские работы Ch.Fry, M.Nystrom, J.Smith, Ch.Sanders, I.Glover, C.Dukes, И.А.Шелудько, Т.А.Биячуева, И.В.Котенко, И.Б.Паращук, А.В.Федорченко, Д.С.Левшуна, А.А.Чечулина и других зарубежных ученых.

В Узбекистане в работах С. К. Ганиева, М. М. Каримова, Р. Н. Усмонова, А. А. Ганиева и других изучены методы программно-аппаратной защиты информации, в частности, методы и средства межсетевого экранирования и мониторинга, управление противодействием инцидентам и кибератакам, методы формирования критериев и показателей информационной безопасности в информационно-коммуникационных системах.

Вместе с тем, недостаточно изучены методы построения системы мониторинга информационной безопасности, методы обеспечения их работоспособности, методы определения вероятности состояния функционирования средств защиты информации, а также методы оценки показателей их надежности.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научного проекта согласно планам научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий № Ф4-020 «Исследование проблем функционирования и создания системы мониторинга безопасности инфокоммуникационных систем» (2012-2016) и № А5-063 «Разработка комплексных методов межсетевого экранирования и мониторинга в информационно-коммуникационных системах» (2015-2017).

Цель исследования состоит в разработке методов и алгоритмов,

основанных на определении вероятностей состояния функционирования средств защиты информации, позволяющих повысить эффективность функционирования системы мониторинга информационной безопасности.

Задачи исследования:

создать схему обработки данных в системах мониторинга информационной безопасности;

разработать частную концептуальную модель системы мониторинга информационной безопасности на основе схемы обработки данных;

разработать метод построения системы мониторинга информационной безопасности на основе подхода «анализ через синтез»;

разработать модифицированный метод определения вероятностей состояния функционирования средств защиты информации с дискретным и непрерывным временем работы;

разработать алгоритм для определения вероятностей состояния функционирования средств защиты информации в структуре подсистемы обеспечения их работоспособности.

Объектом исследования являются процессы функционирования средств защиты, применяемые в информационно-коммуникационных системах.

Предмет исследования являются методы и алгоритмы определения вероятностей состояний функционирования средств защиты информации.

Методы исследования. В процессе исследования использованы теория систем защиты информации, теория вероятности, методы сопоставительного анализа, методы моделирования и объектно-ориентированного программирования.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

создана схема обработки данных в системе мониторинга информационной безопасности на основе накопления и анализа данных о потенциальных инцидентах;

